

ЕОИИ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни Минск шаҳрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди.



Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко раислигида ўтган учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, кузатувчи мақомида Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель, Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён (видеомурожаат йўллади) ҳамда Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати раиси Бақитжан Сагинтаев ҳам қатнашди. Меҳмон сифатида Абу-Дабӣ валиаҳд шаҳзодаси Шайх Холид Ол Наҳаён, Мўғулистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Нам-Осорин Учрал ва МДҚ Бош котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Кун тартибидан кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларида қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон Президенти нутқининг аввалида ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Ташкилотга аъзо мамлакатларга уларнинг делегациялари жорий йилда Ўзбекистонда ўтказилган “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси ва тўртинчи Тошкент инвестиция форумида фаол иштирок этгани учун миннатдорлик билдирилди.

Ушбу тadbирлар якунида муҳим келишувларга эришилгани, ҳамкорлиқнинг янги йўналишлари ва истиқболли лойиҳалари белгилангани олинган алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистон билан Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик қай даражада ривожланаётгани тўғрисида маълумот берди. Хусусан, кузатувчи давлат мақомидаги ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг Иттифоқ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 80 фоизга ошиб, ўтган йил якунига қўра 18 миллиард долларни ташкил этди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ЕОИИ САММИТИ ДОИРАСИДА УЧРАШУВ ЎТКАЗДИЛАР

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Авалло, анъанавий самимий қабул ва бугунги учрашувимизни юқори даражада ташкил этгани учун Беларусь Республикаси Президенти хурматли Александр Григорьевич Лукашенкога билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшилиман.

Шунингдек, Евроосиё иқтисодий иттифоқида Беларусь томонининг самарали раислигини, бу даврда кўп томонлама амалий ҳамкорлик сезиларли тарзда фаоллашганини таъкидламоқчиман.

Бугун ҳамкасбларимнинг нутқларида жаҳон иқтисодиётида вужудга келаятган мураккаб вазиятга баҳо берилди. Протекционизм ва санкциялар сиёсатининг кучайиши, савдо-логистика занжирларининг бузилиши ва хорижий шерикларнинг инвестициявий фаоллиги қисқариб бориши оқибатларининг салбий таъсирини биз Ўзбекистонда тўлиқ ҳис этмоқдамиз.

Бизнинг табиий ва анъанавий шерикларимиз бўлган Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ташқи иқтисодий сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, жорий йил бошидан буён Ўзбекистонда бўлиб ўтган “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси ва тўртинчи Тошкент инвестиция форумини қўллаб-қувватлагани ва уларнинг ишида делегацияларингиз фаол иштирок этгани учун барча ҳамкасбларимга миннатдорлик изҳор этаман.

Ушбу тadbирлар якунида муҳим келишувларга эришилди, кооперация бўйича янги йўналишлар ва истиқболли лойиҳалар белгиланди. Биз мамлакатларимизнинг янада кўпроқ етакчи компаниялари ва молиявий гуруҳларини жалб этган ҳолда, ушбу ҳамкорлик майдончаларини кенгайтиришни режалаштирмакдамыз.

Хурматли тadbир иштирокчилари!

Сизларга Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кўп томонлама ҳамкорлиги қандай ривожланаётгани ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман.

Кузатувчи давлат мақомидаги тўрт йиллик ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 80 фоизга ўсди ва ўтган йили якуни бўйича 18 миллиард долларни ташкил этди. Шунини мамуният билан таъкидламоқчиманки, савдо операциялари номенклатураси, авваламбор, саноат маҳсулотлари

рини етказиб бериш ҳисобидан кенгаймоқда. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони уч баробар ўсди.

Жорий йилнинг март ойида Қўшма ишчи гуруҳининг тўртинчи мажлиси муваффақиятли ўтказилиб, унинг якунида техник тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ишбилармонлик ташаббусларини рағбатлантириш бўйича келишилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Биз 40 та аниқ чора-тадбирни қамраб олган, уч йилга мўлжалланган янги Режани амалга оширишга киришдик.

Ўзбекистон, шунингдек, Евроосиё иқтисодий иттифонининг муҳим ташаббусларида, жумладан, “Евроосиё агроэкспресс”, электрон савдони ривожлантириш, юкларни ташишни рақамлаштириш ва иқлим масалалари каби лойиҳа ва дастурларда фаол иштирок этмоқда.

Апрель ойида барча тартиб-таомилларни якунига етказдик ва Евроосиё тараққиёт банкини таъсис этиш ҳақидаги битимга қўшилдик. Банк билан ҳамкорликда инфраструктурани модернизация қилиш, металлургия, тўқимачилик, кимё соҳалари ва бошқа стратегик тармоқларда истиқболли лойиҳалар портфели ишлаб чиқилмоқда.

Хурматли ҳамкасблар!

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан шериклиқни янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтмоқчиман.

Биз ўзаро савдо айланмасини кенгайтириш учун қулай шароитларни шакллантиришга муҳим аҳамият қаратамиз.

Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасидаги эркин савдо ҳудуди фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ барча келишувларни тўлиқ ҳажмда бажармоқда.

Савдо операциялари тартиб-таомилларини соддалаштириш ва техник тартибга солиш тизимларини яқинлаштиришга қаратилган қатор таклифларимиз экспертлар томонидан ўрганиб чиқилишини тезлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз, шунингдек, савдонини қўллаб-қувватлашда техник тартибга солишнинг рақамли тизимлари ва Иттифоннинг рақамли транспорт йўлаклари экотизими, Евроосиё қайта сўғурталаш компанияси каби восита ва механизмларга қўшилишдан манфаатдормыз. Бу бизнинг бизнесимиз учун шароитни сезиларли даражада энгиллаштиради, мамлакатларимизнинг товар бозорларига ўзаро киришида қулай имкониятларни таъминлайди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗА

“ОЛТИН ҚАЛАМ” МАНЗУМАСИ



Сирожддин САЙИЙД,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳаёт мангу этар давом,
Сўнмағай ҳеч меҳру қарам.
Ёруғликка широр бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Халқу Ватан, халқу Ватан,
Олтин даштим, олтин далам.
Сен элга дастийёр бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Тошқин солсин ҳар бир суҳан,
Мисли ёмғир, селу жалам.
Дилларга навбахор бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Ватан — дуозўйим онам,
Ватан — бешикдаги болам,
Номус бўлгил, сен ор бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Гоҳи титраб кетар дунё,
Гоҳи қалқиб турар олам,
Сен огоҳ бўл, хушёр бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Рўйи замин, рўйи замин,
Унсин доим гулу лолам.
Эзуликка сен ёр бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Она юртим, она юртим,
Олтин кўёш, олтин далам.
Сен нурли ифтихор бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

ОРТИМИЗДА ТОҒДЕК ТАЯНЧ — ВАТАН МЕҲРИ



БИЗГА СЕРГАКЛИК, ЖАСОРАТ ВА ШИЖОАТ БАҒИШЛАБ ТУРАДИ

Инсон касби билан боғлиқ ишларни ҳар куни нафас олишдек табиий жараён деб қабул қилади. Жумладан, журналист ҳам доим фикр айтиш, уни бошқаларга етказишга эҳтиёж сезади. Шу боис, унинг мақола ёзиши нафас олишдек табиий жараён. Аммо журналист нимани қандай ёзаётгани ҳақида чуқур мулоҳазага киришса, бирдан хушёр тортади. Негаки, сўзнинг чексиз қудратидан қанчалик фойдалана олаётгани ёки аксинчалиги ойдинлашади. Шу маънода, бугунги глобал мафкуравий курашлар даврида журналистика энг зарур химоя қўргонидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида: “Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар бекиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият

касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб турибмиз”, деб бежиз таъкидламади. Шу маънода, журналистларнинг сарҳадларимизда доим сергак турган Ватан посбонларига қиёсланиши ажабланирли эмас.

➤ Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект жадал ривожланиб бораётганини ҳисобга олиб, рақамлаштириш соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик қилиш истиқболга эга, деб ҳисоблаймиз.

Электрон савдо, маҳсулотларнинг рақамли маркировкаси, янги авлод логистика платформаларини яратиш, аниқ тармоқларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича йўналишларни қамраб олган алоҳида дастур қабул қилишни таклиф этамиз.

Шунингдек, Ўзбекистон мукашиш пунктларининг ягона интеграллашган ахборот тизимида иштирок этиш имконига эга эканини ҳам таъкидламоқчиман. Бу, энг аввало, чегаралардан ўтишни тезлаштириш, мониторинг самарадорлиги ва барча жараёнлар шаффоқлигини таъминлаш имконини беради.

Техник жиҳатдан биз бундай лойиҳаларда фаол иштирок этишга тайёرمىз.

Кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ишга туширилган

дастурлар, жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи Ишбилармонлик кенгаши билан қўшма чора-тадбирлар доирасида амалий ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф этамиз.

Саноат соҳасидаги лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳамда саноат кооперацияси ва технологиялар трансфери бўйича Евроосиё тармоғи платформаси имкониятларидан фойдаланишдан манфаатдорим.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорлиги учун имкониятларни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимдир. Бу ўринда сўз, аввало, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан Агрокооперация дастурини қабул қилиш ҳақидаги ташаббусимизни амалга ошириш ҳақида бормоқда. Ушбу дастур илгор технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳаракатланиши тартибларини соддалаштириш, “ишил” йўлакларнинг самарали фаолияти ва уларни кенгайтиришни назарда тутди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги ҳамкорларимиз билан биргаликда меҳнат ресурслари тартиб-таъминларини соддалаштириш ва сафарбар этилишини ошириш бўйича фаол иш олиб бораёلمиз. Шу муносабат билан меҳнат бозорига талаб катта бўлган соҳаларда профессионал стандартлар ва малака талабларини яқинлаштириш масалалари бўйича экспертлар маслаҳатлашувларини ўтказишни таклиф этамиз.

Агар ҳамкасбларимиз қўллаб-қувватлашса, биз Ташкилот доирасида жорий этилган “Чегара билмайдиغان иш” интеграциялашган платформасига ҳам қўшилиамиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Сўзининг якунида Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида биз амалий ҳамкорликни кенгайтиришга содиқ эканимизни яна бир бор тасдиқлайман.

Аминанки, Ўзбекистоннинг юқорида таъкидлаб ўтилган кўп томонлама дастур ва лойиҳаларда иштирок этиши иқтисодий шерикликини мустаҳкамлашга хизмат қилади ва бугунги шароитда мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишига имкон беради.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕОИГА НИСБАТАН МУНОСАБАТИ ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ЎЗАРО КЎП ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРГА АСОСЛАНГАН

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 26-27 июнь кунлари амалий ташриф билан Минск шаҳрида бўлди ва Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг (ЕОИК) навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқда ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Саммитда Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга оид маълумотлар, шунингдек, ЕОИИ билан шериклики янада ривожлантиришнинг асосий

йўналишлари бўйича тасаввурлар тақдим этилди.

“Кузатувчи давлат мақомидаги тўрт йиллик ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдо айланмиси 80 фоизга ўсди ва ўтган йил якуни бўйича 18 миллиард долларни ташкил этди, — деди Ўзбекистон Президенти. — Шунинг билан маъмурият билан таъкидламоқчиманки, савдо операциялари номенклатураси, авваламбор, саноат махсу-

лотларини етказиб бериш ҳисобидан кенгаймоқда. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони уч баробар ўсди”.

Хорижий экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон мазкур тузилмага кузатувчи давлат мақомига эга бўлишга қарамай, ЕОИИда фаол позицияни эгаллайди. Унинг мазкур тузилма доирасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш бўйича ташаббуслари ва амалий қадамлари аъзо давлатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— Евроосиё иқтисодий иттифоқи 2014 йил 29 майда Остона шаҳрида Беларусь, Қозғистон ва Россия раҳбарлари томонидан имзоланган Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги шартномага мувофиқ 2015 йил 1 январда ташкил этилган ва ўз фаолиятини бошлаган халқаро интеграцион иқтисодий бирлашмадир. Арманистон ва Қирғизистон шартномага қўшилди.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги 2020 йилда кузатувчи давлат сифатида бошланди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 2017 йилдан бошлаб ва шу кунгача халқаро ҳамда минтақавий майдонда нафақат мамлакат ичида туб ислохотларни муваффақиятли амалга ошираётган давлат, балки минтақа ва халқаро бирлашмаларда интеграция жараёнларига қўмаклашувчи мамлакат сифатида ҳам ўзини намойён қилди.

Агар Ўзбекистоннинг ЕОИИда кузатувчи давлат сифатидаги иштирокига назар ташлайдиган бўлсак, тузилма маконида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда конструктив ёндашувни қўришиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишларидан бирида кузатувчи давлатларнинг ташаббусларини инобатга олиш таклифини илгари сурди, бу эса ушбу мамлакатларнинг ЕОИИ фаолиятига янада мазмунли жалб этилишига ва кейинги интеграциянинг уйғун жараёнига хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифлари тизимли характерга эга бўлиб, узоқ муддатли ва кўп томонлама ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратишга қаратилган.

“Агар Ўзбекистоннинг ЕОИИда кузатувчи давлат сифатидаги иштирокига назар ташлайдиган бўлсак, тузилма маконида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда конструктив ёндашувни қўришиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишларидан бирида кузатувчи давлатларнинг ташаббусларини инобатга олиш таклифини илгари сурди, бу эса ушбу мамлакатларнинг ЕОИИ фаолиятига янада мазмунли жалб этилишига ва кейинги интеграциянинг уйғун жараёнига хизмат қилади.

ЎЗА

ЕОИИ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил март ойида қўшма Ишчи гуруҳнинг тўртинчи йиғилиши муваффақиятли ўтказилди, унинг якунида техник тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва ишбилармонлик ташаббусларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Қариб 40 та аниқ тадбирни қамраб олган янги уч йиллик Режани амалга ошириш бошланди. Ўзбекистон ЕОИИнинг муҳим ташаббуслари, жумладан, “Евроосиё агроэкспресс”, электрон савдонини ривожлантириш, юк ташиниш рақамлаштириш ва иқлим кун тартибни каби лойиҳа ва дастурларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, апрель ойида мамлакатимизнинг Евроосиё тараққиёт банкни таъсис этиш тўғрисидаги битимга қўшилиш жараёнилари якунланди. Банк билан биргаликда инфратузилмани модернизация қилиш, металлургия, тўқимачилик, кимё ва бошқа стратегик тармоқларда истиқболли лойиҳалар портфели ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ЕОИИ билан шериклини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ўз нуктаи назарини баён қилди.

Ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш учун қулай шароитлар яратиш муҳимлиги қайд этилди. Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасидаги эркин савдо зонаси фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ барча қелишувларни тўлиқ бажариб келаётгани таъкидланди.

Шу маънода, мамлакатимизнинг савдо операцияларини техник тартибга солиш тартиб-таъминларини соддалаштириш ва тизимларини яқинлаштиришга қаратилган қатор

таклифларини экспертлар даражасида ишлаб чиқишни жадаллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон савдонини қўллаб-қувватлаш воситалари ва механизмларида — ЕОИИ техник жиҳатдан тартибга солиниш рақамли тизими ва рақамли транспорт йўлакларини экотизими, Евроосиё қайта сугурталаш компанияси қабилида қатнашишдан манфаатдор экани қайд этилди.

Замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект жадал ривожланаётганини ҳисобга олиб, рақамлаштириш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик истиқболлари кўрсатиб ўтилди. Бу борада электрон савдо, товарларни рақамли маркировкалаш, янги авлод логистика платформаларини яратиш, муайян тармоқларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш каби йўналишларни қамраб олган алоҳида дастур қабул қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ўтказиш пунктларининг ягона интеграциялашган ахборот тизимида иштирок этиши мумкинлиги таъкидланди. Бу чегаралардан ўтишни тезлаштириш, мониторинг самарадорлиги ва барча тартиб-таъминларнинг шаффоқлигини таъминлаш имконини беради.

Кооперация алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича йўлга қўйилган дастурлар доирасида, шу жумладан, ЕОИИ Ишбилармонлар кенгаши билан биргаликда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

Ўзбекистон саноат лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳамда Саноат кооперацияси ва технологиялар трансфери бўйича Евроосиё тармоғи плат-

формасининг имкониятларидан фойдаланиш-чиқини жадаллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ҳамкорлиги учун имкониятларни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатлари билан Агрокооперация дастурини қабул қилиш ҳақидаги ташаббусни амалга ошириш шулар жумласидан. Ушбу дастур илгор технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш қондаларини соддалаштириш, “ишил” йўлакнинг самарали ишлаши ва кенгайтирилишини назарда тутди.

Бундан ташқари, ЕОИИ бўйича ҳамкорлар билан тартиб-қондаларни соддалаштириш ва меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини ошириш бўйича фаол ишлар олиб боришмоқда. Шу муносабат билан меҳнат бозорига талаб юқори бўлган соҳаларда касбий стандартлар ва малака талабларини яқинлаштириш масалалари юзасидан экспертлар маслаҳатлашувини ўтказиш таклиф этилди.

Шунингдек, ташкилот доирасида ишга туширилган “Чегара билмайдиغان иш” интеграциялашган платформасига қўшилишга тайёрлик ҳам билдирилди.

Яқунда давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ЕОИИ доирасидаги кўп томонлама дастур ва лойиҳаларда иштироки иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамда мамлакатларимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Беларусь Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

ЖУРНАЛИСТЛАР — МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИСИ, УЙҒОНИШ ДАВРИ ДАРАКЧИСИ

Пойтахтимиздаги муҳташам “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали байрам тадбири ҳамда “Олтин қалам” XIX миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бу йилги тадбир ўтган йиллардагидан фарқли равишда қўшалоқ байрам сифатида кўпчиликнинг ёдида қоладиган бўлди. Бонси, журналистлар ва ижодий жамоаларнинг таклифига биноан, қалам аҳли ҳар йили ориққиб кутадиган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бу йил биринчи маротаба ушбу санада ўтказилди.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги ислохотлар самараси ўлароқ, барча соҳа ва тармоқда катта натижаларга эришилмоқда. “Инсон қадири учун” тамойили асосидаги янгиланиш жараёни ордатишни аҳолига етказиш, эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этиш, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда юртимизда фаолият юритаётган 2400 га яқин оммавий ахборот воситасининг ўрни катта бўлмоқда.

Сана муносабати билан Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табриғида қайд этилганидек, “...бепоён медиаоламда ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади”.



Ҳақиқатан, бугунги геосиёсий ва геоиктисодий зиддиятлар, ўзаро қарама-қаршиликлар кучайган, турфа нотинчликлар, фаолиятни қўллаб-қувватлаш кучайтирилгани, миллий медиакомпанияни ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. ОАВ вакиллари медиаоламда миллий манфаатларимизни муносиб ҳимоя қилиш бораборида, мамлакатимиздаги ислохотлар, янги Уйғониш даври дарақчисига айланиб бораёпти.

мулкий муносабатлар жорий этилгани, нодавлат сектор — хусусий наشرлар, телерадиоканаллар, интернет ресурслари фаолиятини қўллаб-қувватлаш кучайтирилгани, миллий медиакомпанияни ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. ОАВ вакиллари медиаоламда миллий манфаатларимизни муносиб ҳимоя қилиш бораборида, мамлакатимиздаги ислохотлар, янги Уйғониш даври дарақчисига айланиб бораёпти.

Журналистика — қизиқарли ва масъулятли касб. Ҳамкасбларимиз турли байрам шодиёналаридан тортиб, куннинг энг муҳим воқеа-ҳодисалари содир бўлган жойларда, шаҳарлару энг чекка қишлоқларда ҳам қўлга микрофон, қалам ва қоғоз олиб, ҳарасингиз хизматига югуриб-ёқад. Бир қарангиз, бунёдкорлик ишларида қурувчилар билан ёнма-ён жавлон урса, яна бир гал тадбиркорларнинг корхоналарига “хорма-бор бўл”га боради. Бошқа сафар халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида истеъдодли ўзбек ёшларига далда бериб турган бўлади. Қачон ва қаерда учратманг, Ўзбекистондаги ёрқин ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлардан оқибат қолмаслик учун қаёққадир шошаётган бўлади.

...Тантанали байрам кўтаринки руҳда бошланди. Тадбир аввалида Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табриғини Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Ўзбек журналистикасининг фидойи, моҳир вакилларининг гулгун чехрасида табиассур жилавланади, қалиб шукроналик ва ҳаётдан розилик ҳисси билан тўла. Халқимиз йил давомида юртимиздаги муҳим воқеа-ҳодисалар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги ютуқларни уларнинг синчков кўзи билан кузатади. Ўтқир қалами билан битган мақолаларида ўқийди. Бйирон тилларидан тинглайди.

Бу сафар аксинча бўлди: соҳа вакиллари таъриқ ва ташаккурлар тинглади. Халқимизнинг эъзоз-эҳтиромини қалбан туйди. Мукофот ва эътирофлар тисмолида машаққатли меҳнатининг ҳолис ва адолатли баҳосини олди.

Бугунги глобал ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар беқиёс шиддат билан ўзгараётган, дунёдаги вазият мураккаблашиб бораётган бир даврда ОАВнинг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Чунки ахборот майдонида ёлгон хабарлар, “оммавий маданият”, ёт ғоялар тарғиботи кучайгандан кучаймоқда. Ўлар қопқон олдиға сепилган дондқ ёшларни ўзига жалб этапти. Ахборот майдонида бундай контентлар кўпайиши, ўз навбатида, қалам аҳлининг меҳнатини янада масъулятли вазифага айлантирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 июндаги “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармониға асосан тақдирланган бир гуруҳ фидойи касб эгаларига юксак унвон, орден ва медаллар тантанали топиширилди.

Шундан сўнг ўтган бир йил давомида давлат сиёсати, юртимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётидаги ўзгаришлар, ортага қайтмас ислохотларни фаол ёритган матбуот, телерадио ва интернет йўналиши бўйича “Олтин қалам” миллий мукофоти ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.

Таъкидланганидек, “Олтин қалам” XIX Миллий мукофоти учун халқаро танловда 500 га яқин журналист ва ОАВ вакиллари 3 минг 250 дан зиёд ижодий ишлари билан иштирок этди.


Президентимизнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 2023 йилдан бошлаб “Олтин қалам” танлови рағбатлантирувчи номинациялари 5 тадан 12 тага кўпайтирилди. Мазкур қарорга мувофиқ, 1-ўрин соҳибига Ўзбекистонда белгиланган базавий ҳисоблашнинг 200 баравари, 2-ўрин соҳибига 175 баравари, 3-ўрин соҳибига 150 баравари миқдорига пул мукофоти берилади. Шунингдек, 12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бир ғолиби базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорига пул мукофоти билан тақдирланади.

— Глобал интернет тармоғи жуда кенг ахборот майдони ҳамда фойдаланувчилари сони кўплиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга, — дейди “Олтин қалам” миллий мукофоти бўйича халқаро танлов совриндори, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ходими Зиёдулло Жонибеков. — Шу бонс, бу майдондан кенг ўрин эгаллаш, ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиш мумкин. Мамлакатимизда интернет журналистикаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йил сайин интернет сайтлари, блоглар, ижтимоий тармоқлардаги саҳифа ва каналлар сони ортиб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ахборот технологиялари тараққий этаётган, ижтимоий ҳаётимизга сунъий интеллект жадал кириб келаётгани ҳисобига журналистлар, уларнинг ҳолис ва ишончли ахборотларига эҳтиёж ортиб бораётган.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов иштирок этди.

Санъатимизнинг ёрқин намоёндалари, ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт дастури тадбир иштирокчиларига унутилмас завқ улашди.

Санъат ЭШМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ОРТИМИЗДА ТОҒДЕК ТАЯНЧ — ВАТАН МЕҲРИ

БИЗГА СЕРГАКЛИК, ЖАСОРАТ ВА ШИЖОАТ БАҒИШЛАБ ТУРАДИ



Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда мамлакатимиз том маънода янгиланишлар диёрига айланди. Янги тахрирдаги Конституциямизга мувофиқ, Ўзбекистон ижтимоий давлат экани мустаҳкамланди. Илгари мавжуд “давлат — жамият — шахс” парадигмаси “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгартирилди. Умуман, “Инсон қадри учун” ғояси асосида ҳар бир соҳа, йўналишда туб ўзгаришлар рўй берди. Очиги, тарихан жуда қисқа фурсат — 7-8 йилда юртдошларимиз ҳаётини янада яхшилаш, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бундай янгиланишларнинг санаб адоғига етиш мушкул. Залворли, таъбир жоиз бўлса, тарихий ютуқларимиз қаторида жамиятимизда очкиқлик, ошқораликка, сўз эркинлигига кенг йўл берилгани, бугун ОАВ вакиллари, блогер ва фаоллар жамоатчиликлари назоратини таъминлашнинг самарали бўлинига айлангани ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ҳозир бундан ҳам баланд марраларни кўзлаб олган интилимиз. Ана шу жараёнда матбуотнинг ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб, тўлдириб бўлмайди. Буни қисқа ва тушунарли қилиб ифодаласак, ўсиш, ўзгариш жараёнида жамият бир бутун ватан,

ягона халқ бўлиб олган интилиши керак. Ана шу бирдамлик сўз — матбуот орқали шакллантирилади.

Ҳақиқатан, бугун сўзнинг қудрати, ахборотнинг кучи тобора ортиб бориши баробарида, интернет ва ижтимоий тармоқлар қамрови ошиб бориши ҳисобига қудратли кучни қўллаш майдони ҳам кенгайиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан ҳар бир давлат, жамият учун ҳимояланиш рефлексини, бошқача айтганда, миллий контентни ривожлантириш талабини юзага келтирмоқда.

Шу маънода, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилаётгани, хусусан, Президентимиз қарорига асосан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил этилгани, айни пайтда марказ маҳаллий ижодкорларга миллий контентлар яратиш бўйича буюртмалар бериб, соҳада кадр тайёрлашни ташкил қилаётгани қувонарлидир.

Лекин бир жиҳатни асло ёддан чиқармаслигимиз керак: миллий контентлар яратиш, умуман, интернет ўзбек сегментини сифатли миллий контентлар билан бойитиш биргина марказнинг иши эмас. Бу, модомики, бирлигимиз, ҳамжиҳатлигимиз, тинчлигимиз ва барқарор келажагимиз билан боғлиқ экан, миллий контентни ривожлантириш ҳамма-мизнинг, юрагидан шу ватанга муҳаббати бор ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айниқса, миллий контент масаласи ОАВ вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбек журналистикасининг бир вакили сифатида, бугунги кунда соҳа олдида турган шу каби долзарб вазифаларни таҳлил қилиб, олдинда ҳали қилиниши зарур бўлган ишларимиз салмоғи жуда катта эканини аниқлашимиз. Мана шундай фурсатда камтарона меҳнатларимиз юксак баҳоланиб, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни арафасида Президентимизнинг фармонида мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвонига лойиқ кўрилгани учун алоҳида миннатдорлик билдирган ҳолда, бу бизнинг келгуси фаолиятимизда жуда катта масъулият бурчи эканини ҳам теран англаб турибмиз.

Янги Ўзбекистондаги илк ўзгаришлар халқ мурожаатлари билан ишлашдан бошланган эди. Бундай жараён бевосита матбуот эркинлигини ҳам талаб этади. Мамлакатимизда ҳар икки жиҳатта бирдек эътибор берилди. Бугун ўзбек матбуоти очкиқлик, эркинлик жиҳатдан кечагисидан тубдан фарқ қилади. Давлатимиз раҳбари табриғида қайд этилганидек: **“Биз кейинги йилларда, улуг аждодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарини давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шартини таъминлаш бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз”**.

Дарҳақиқат, аждодларимиз бизга рост сўзи, ёлгонни ёмон кўриши, зукколик билан халқ манфаатини ҳимоя қилиши, бир сўз билан айтганда, ватанпарварлиги билан ибрат мактаби бўлиб келган. Бугунги кун журналисти улардан ўрнак олиши шарт. Кўриб турибмиз, сунъий интеллект бизга қулайлик бериш билан бирга ёлгон ахборот тарқатишда ҳам жуда қўл келиб қолди.

Аввал кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитган хабаргина ишончли бўлиши айтиларди. Замонавий технологиялар бу қарашни бутунлай ўзгартириб юборди. Энди кўз билан кўрсангиз ҳам, қулоқ билан эшитсангиз ҳам ахборотни текшириб, ҳақиқатлигини билгач, бошқаларга улашиш зарурати пайдо бўлди. Агар бунга эътибор қилмасангиз, ёлгон қурбони бўлишингиз, халқ, ватан манфаатига зид ахборот “оёқ олиши”га билиб-билмасдан хизмат қилиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Ҳа, ҳозирги давр журналистика олдида мана шундай ўта жиддий масалаларни кўймоқда.

Шу бонс, Президентимиз: **“Бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудофиа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда”**.

Бу эса мазкур йўналишда айнан сизлардек жасур ва довурак, Ватанини чин дилдан севадиган, ўз касбига содиқ ва фидойий инсонлар тобора кўпроқ бўлиши тақозо этмоқда”, деган эди.

Ўрни келганда тан олиш керак, бугун миллий журналистикамиз бу вазифани уddалапти. Чунки мамлакатимизда матбуотни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, замон талабларига мос ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилган. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини, матбуот ва сўз эркинлигининг қонуний ижросини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга, биз — журналистларнинг меҳнати юксак баҳоланиб, муносиб кадрланипти.

Қолаверса, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши дея қаралмоқда. Бунга жавобан бугун ижодий жамоалар доимий изланишда, замон билан ҳамқадам боришга интиломоқда.

Ушбу фикрларни “Янги Ўзбекистон” газетаси мисолида айтсак. Бугун медиа маконимизга илғор лойиҳа ва

технологияларни кенг жорий этилган. Натижада матбуотда медиаконвергенцияга эришмоқдамиз. Масалан, бугун газетанинг расмий веб-сайти, Telegram, YouTube ва Facebook ижтимоий тармоқларида саҳифалари бор.

Бундан ташқари, газетамиздаги мақолаларни махсус QR-код орқали қорақалпоқ тилида ҳам беришни жорий этганмиз. Газетанинг электрон шакллари ҳам ўқувчиларга тақдим этиб берилмоқда. Яъни биз ўқувчи қарда бўлса, биз ҳам ўша жойгача ўз махсулотимиз билан кириб боришга ҳаракат қилганимиз.

Қолаверса, имкон қадар замонавий технологиялар, шу жумладан, сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланяпмиз. Негаки, журналистика доим жамиятдан бир қадам олдинда бўлишни талаб этади. Шу маънода, миллий журналистикамиз изланишлар натижасида юксалиб бораётганини қузатиб қувонаман. Энди бу маррани янада юксак олиш, сунъий интеллектни ҳам ортимиздан эргаштириб оладиган кучли мутахассис, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак. Бугун бунга барча имкониятлар яратилган.

Зеро, янги Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар сабаб жамиятимизда очкиқлик ва ошқораликни ривожлантиришда ОАВларига жиддий эътибор берилди. Натижада давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқароларимизнинг қонуний мурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасида миллий матбуотимиз муҳим ўринга эга бўлди.

Мазкур янгиланишлар жараёнида бевосита давлатимиз раҳбарининг ўзи тургани барчамизнинг қалбимизда катта фахр уйғотди. Айни дамда улкан масъулият ҳам юклайди. Ҳа, янги Ўзбекистон катта маррани кўзлаб йўлга чиққан қарвондир. Миллий матбуотимиз эса шу қарвонга бошқаларни ҳам адашмай эргаштирадиган огоҳлик кўнғироғига айланиб бормоқда. Ана шу сафда бўлиш, ватан ва халқ учун хизмат қилиш том маънода шарафдир. Ана шу шарафли вазифани бажариш чоғида ҳар лаҳза улкан масъулиятни ҳис этамиз.

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЮЗАГА ЧИҚАР ЭКАН

Нигора ГАПИРОВА,
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компаниясининг
муқовалаш цехи муқоваловчиси,
“Шухрат” медали соҳиб

Жонажон жамоам — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси остонасини ҳатлаганимга бу йил 22 йил тўлди. Ўша 2003 йили — муқовалаш цехида иш бошлаган даврим қўлим қовушмай қийналганларим, атрофимдаги малакали ишчилар гоҳ қулиб, гоҳ танбех бериб, менга қандай тўғри ҳаракат қилиш кераклигини эринмай ўргатгани шундоқ кўз олдимда турибди.

Билсангиз, турли бўёқ, кимёвий қўшимчалар, тозаловчи воситалар, елимлаш махсулотлари, қоғоз ва картонлар чангидан босмахонанинг ҳавоси оғир бўлади. Дастлабки даврлар баъзан бошим оғриб қоларди. Ҳозир технологиялар анча ривожланди, замонавийлашди, шароитлар энгиллашди. Матбаачиликнинг ҳам ўз сир-асрорлари бор. Чоп этилган ҳар бир китобни қўлдан ўтказар эканман, у ҳеч қанча вақт ўтмай, кимларгадир йўлчи юлдуз бўлишини, битта китобни бир неча одам мутлоа қилиши кераклигини ҳис этардим. Шунинг учун вазифамни имкон борида сидқидилдан, сифатли бажаришим кераклигини англадим.



Устозларим ҳам китоб муқоваси қанчалик пишқ, пухта бўлса, у узоқ йиллар хизмат қилишини кўп таъкидлайди.

Муқоваловчи — маърифатга хизмат қилувчи фидойи инсон. Ҳар бир саҳифада унинг меҳнати, диққати ва касбига садоқати мужассам. Меҳнат қилган юзага чиқар экан.

Давлатимиз раҳбарининг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони билан тақдирланганлар рўйхатида менинг ҳам исм-шарифим борлигини айтишганида, кўзимдан ёш чиқиб кетди.

Менга бугун топширилган медал бугун жамоамизга, мен билан елкама-елка туриб меҳнат қилган ҳамкасбларимизга юксак эътироф намунасидир. Бу мукофотни нафақат меҳнатим, балки китобга, маърифатга, ёш авлод тарбиясига улкан эътибор деб биламан. Аввало, менга ишонч билдириб, меҳнатимни қадрлаган раҳбарларимизга ва мен билан елкадош бўлиб ишлаётган барча ҳамкасбларимга миннатдорлик билдираман.

Мукофотланганларнинг кўпини сирдан бўлса-да танийман. Негаки, айримларнинг китоби босмахонамизда чоп этилган, “Шарқ”да нашр этиладиган газета-журналларда мақолаларини ўқиганман. Ушбу зийорлар қаторида ватанимнинг юксак нишонини олиш жуда ёқимли бўлар экан.

Йиллар давомида китоб дунёсида, маърифат йўлида хизмат қилиш мен учун нафақат иш, балки ҳаётимнинг мазмунига айланиб улгурди. Нашр этилган ҳар бир китоб ортда кўзга кўринмас, лекин қалбдан бажарилган меҳнат ётади. Шу бонс, бу мукофот мен учун бекиёс бахт ва ифтихордир.

Раиҳан АМАНГЕЛДИЕВА,
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Нукус телерадиомаркази филиали тасвир ёзиш гуруҳи катта электр механиги,
“Дўстлик” ордени соҳиб

Юртимизда соҳамизнинг етук мутахассиси бўлишимиз, билимимизни доимий ошириб боришимиз, меҳнатимиз самарасини кўриб, унинг рағбатини ҳис қилишимиз учун рабча шариқлар бор. Мана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорман.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ЭЪТИБОР ҒАЙРАТИМИЗГА ҒАЙРАТ ҚЎШАДИ

Бугунги кунда ҳар бир соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар таҳсинга сазовор. Мен ҳам мана шу катта оила, яъни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида фаолият юритаётганимдан фахрланаман. Қорақалпоғистонимизнинг турли ҳудудларида яшаётган инсонларга тезкор ва ҳолис ахборот етказишдек масъулиятли вазифада менинг ҳам кичик бир ҳиссам борлигини ўйласам, қалбим ғурурга тўлади.

Президентимиз фармонида кўра, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан “Дўстлик” ордени билан мукофотланганим ҳақидада хабарни эшитганимда, очиги, ҳаяжондан тилимга сўз келмай қолди. Бу юксак мукофот нафақат менинг, балки Нукус телерадиомарказида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларим, устозларимнинг меҳнатига берилган юксак баҳодир. Чунки бизнинг соҳамиз улкан бир механизм. Биргина эфир орқали хонадонларга кириб борадиган тасвир ва овоз ортида ўнлаб, юзлаб

инсонларнинг машаққатли меҳнати ётади. Катта электр механизми сифатида вазифам — ушбу мураккаб тизимнинг узлуksиз ва сифатли ишлашини таъминлаш. Ҳар бир тасвир, ҳар бир товушнинг тиниқлиги бизнинг меҳнатимизга боғлиқ. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда вазифамга сидқидилдан ёндашишга ҳаракат қиламан.

Кўп йиллар давомида шу соҳада ишлаб, унинг бутун сир-асрорларини ўргандим, касбимнинг ҳақиқий фидойисига айландим. Бугун ортга назар ташлаб, шу касбни танлаганимдан асло афсусланмайман. Аксинча, ана шу меҳнатларим самарасини кўриб, давлатимиз томонидан бундай юксак эътирофга сазовор бўлганимдан бошим осмонга етди. Бу мукофот зиммамга янада катта масъулият юклайди. Билдирилган ишончнинг оклаш, юртимиз медиа соҳаси ривожига ўз ҳиссамни қўшиш учун бундан буён ҳам бор билим ва тажрибамни ишга соламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Уларнинг машаққатли, аммо шарафли фаолиятига зафарлар тилайман.

Менга кўрсатилган юксак ишонч ва эътибор учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этаман. Бу мукофот мени янги марралар сари руҳлантиради. Ватанимиз раънақи, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилишда ғайратимизни оширади.



2025 йил 28 июнь, 131-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

ЖАРАЁН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

СИЗ АХИР ОСМОННИ ОЛМОҚ БЎЛСАНГИЗ,

ИСТЕЪДОДЛИ, БИЛИМЛИ, МАТОНАТЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ ШУНДАЙ НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ҚЎЛИДА

Ёшлик умрнинг энг мазмунли, шижоатли, бегубор ва такрорланмас даврига қисланади. Бу — тўғри ёндашув. Нега? Чунки айнан шу паллада инсон куч-қувватга тўлади, орзулари бўй кўрсата бошлайди, келажаги учун замин ҳозирлайди.

Энг асосийси, ана шу мақсадлар, ниятлар ижобати учун қулай шарт-шароит яратилган бўлса, бу йўлдаги ташаббуслар қўллаб-қувватлаб турилса, янада яхши. Қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, одамни янги марралар сари ундайди, руҳлантиради.

Бугунги Ўзбекистонни шундай ёшлар мамлакатаи сирасига киритиш ҳеч қандай

муболага эмас. Бинобарин, кейинги етти-саккиз йилда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ёшларимиз илгари орзу бўлган натижаларни қўлга киритмоқда. Бу орқали халқаро доирада юртимиз нуфузи ва обрўси янада юксалишига муносиб ҳисса қўшапти. Буни биз билан суҳбатлашган ёшлар, мутахассислар, фаоллар, жамоатчилик вакиллари ҳам тасдиқлади.



Президентимиз ўтган йили Ўзбекистон ёшларига йўллаган табригида “Фарзандлари билимли, истеъдодли, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишониб, доимо олдинга интилиб бораётган халқ ва давлатнинг истикболи албатта ёруғ бўлади”, дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, бугунги изчил ислохотлар, яратилган имконият ва шарт-шароитлар туфайли ёшларимиз мана шу йўлда билим олмоқда, турли жабҳаларда меҳнат қилиб, жамиятнинг фаол, ташаббускор ва илғор кишисига айланган. Уларнинг ғайрат-шижоати, ақлу заковати дунёга намуна бўлгулик. Буни биз айтмаяпмиз. Халқаро минбарларда, халқаро майдонларда алоҳида эътироф этиляпти.

Дунё минбарларидаги эзгу ғоялар рўёби

Ўзбекистон миллий, минтақавий ва халқаро доирада ёшлар учун қулай шарт-шароит яратиш, улар ўртасида ўзаро ишонч муҳитини шакллантириш, муштарак мақсадлар сари интилаётган йигит-қизларни бирлаштириш учун қўллаб-қувватлов, ташкилий, ҳуқуқий аҳамиятга эга муҳим ташаббус ҳамда тақдирлар мунтазам илгари суриб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси, МДХ, ШХТ, ИХТ, ТДТ ва бошқа тузилмаларда илгари сурилган ташаббуслар ёшларнинг глобал дунёда фаол, билимли ва масъулиятли шахс сифатида шаклланишига хизмат қилаётди.

Ўзбекистон 2018 йили ШХТ Ёшлар кенгашига, 2020 йилда МДХ Ёшлар масалалари бўйича кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Мамлакатимиз БМТ томонидан “Ёшлар стратегияси — 2030”ни намунали амалга ошириш бўйича танлаб олинган 10 та мамлакатдан биридир. Бухоро шаҳри 2022 йилда Туркий дунё ёшлари пойтахти, Тошкент шаҳри эса 2024 йилда МДХ минтақасида биринчи ёшлар пойтахти деб эълон қилинди ва унинг доирасида бўлиб ўтган ёрқин тадбирлар, дунё ҳамжамияти эътиборини яна бир бор Ўзбекистонга қаратди. Барқарорлик, инновациялар, экология ва ижтимоий адолат билан боғлиқ қўллаб-қувватлов мавзулар муҳокама қилинди.

Халқаро минбарларда билдирилган тақлиф ва ташаббусларнинг амалдаги ифодаси сифатида ташкил этилаётган форуму фестиваллар ёшларни ўзаро дўстлик руҳида камол топтириш, бу борада стратегик ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқиш, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга замин бўлмоқда. Қолаверса, ёшларнинг халқаро даражадаги ҳамкорлиги турли соҳаларда, жумладан, барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, ёшларни бирлаштирувчи халқаро тадбирлар келажақ авлод ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлайдиган муҳим воситадир.

Ўзбекистон — имкониятлар макони

Аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этаётган мамлакатимизда уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳар жиҳатдан

ГАРВАРДДА ЎҚИБ, ЮРТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚЧИМАН

Азизбек ЗАЙЛОБИДДИНОВ, “Ibrat Debate” лойиҳаси раҳбари, Гарвард университети талабаси:

— Имкониятлардан фойдалана олаётган ёшлар эътиборга молик ютуқларга эришмоқда. Дунёнинг энг яхши университетларидан бири бўлган Гарвард университетида давлат бошқаруви ва иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинганимни ана шу шарт-шароит, бизга берилаётган эътибор меваси деб биламан. Хорижий тилларни ўргатишни омаллаштириш ёшларнинг жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош кадр бўлиб етишишига замин ҳозирламоқда. Гарвардда қабул қилинишимда инглиз тилини яхши билишим жуда асқотди.



Гарвардда ўқишга кириш осон эмас. Ҳар йили 60 минг талаба ҳужжат топширади. Улардан 2000 нафари ўқишга қабул қилинади, холос. Шундан 200 та ўрин хорижий талабалар учун ажратилади. Бу Ўзбекистонга бир ёки иккита квота берилади дегани. Мен жуда кам сонли бахтли талабалардан бириман.

Ютуқларим ортида меҳнат, ота-онам, устозларимнинг қўллаб-қувватлови, мамлакатимизда ёшларга, таълимга берилаётган эътибор, имконият турибди. Августда АҚШга учиб кетаман ва Гарвардда ўқиб бошлайман. Келгусида юртимиз равнақига ҳисса қўшадиган муносиб кадр бўлиш орзусиданман.

Бандлик — ҳаётини тажриба демек

Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ёш кириб келади. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етади. Бу давлат ва жамият зиммасига катта масъулият юклатиш шубҳасиз.

Мамлакат иқтисодиёти ривожига ёшлар бандлиги муҳим ўрин тутади. Иш билан таъминланган йигит-қизлар ҳаётини мустақил бошқара олади, оила фаровонлигига эришади, бу жамият барқарорлигига ижобий ҳисса қўшади. Янги ғоялар, технологиялар, инновацион ташаббуслар ҳам касбу кор билан машғул интилувчан ёшлардан чиқади. Янги иш ўринлари яратиш, касб-хунарга ўргатиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш каби чоралар ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

Президентимизнинг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ишсиз ва бизнесини бошлаш истагидидаги ёшларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган Ёшлар бандлиги дастури қабул қилиниб, жорий йилнинг 1 июнига қадар 161,5 минг йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Бу борадаги ишлар хали давом этади.

Ишлайдиган ёш оиласига ёрдам беради, келажақ учун режалар тузади. Ҳаётини тажриба, малакага эга бўлади, масъулият ҳисси кучаяди. Ўз даромадига эга бўлиш қашшоқлик даражасини пасайтиради, бирор иш билан банд инсон ёг ғояларга яқин йўламайди.

Яна бир хайрли ташаббус. “Алоқабанк” томонидан “Ёшлар бизнеси” дастури амалга оширилиб, дастур доирасида 3698 та лойиҳага 449,6 миллиард сўм узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилди ва 7869 та янги иш ўрнига ишсиз ёшлар joyлаштирилди. Миллий банк томонидан эса “Келажаққа қадар” дастури доирасида 22,7 минг битирувчи ишга joyлаштирилди ва 1549 талабанинг 26,8 миллиард сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

Ёшлар ишлари агентлиги берган маълумотга кўра, “Ёшлар дафтари”га киритилган 5,8 минг ёшга субсидия ажратилиб, ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 47,8 минг ёшга имтиёзли кредит ажратилди.

Буларнинг барчаси замирида келажақ эгалари бўлган бугунги йигит-қизларга ғамхўрлик, салоҳиятини ривожлантириш, уларга ишонч билан қараш, билим олиш ва меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиш каби эзгу мақсад ётибди.

Ерни боқсанг, ер сени боқади

Президентимизнинг яна бир муҳим ташаббуси билан 2024 йилда 154,8 минг ёшга 57,1 минг гектар ер ажратилди. Натижада улар томонидан 156,4 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилди.

Пировадига 2474 та маҳалла ёшлар ишсизлигиндан холи бўлди. Бу йил қўлга олинган ҳосилдорлик миқдори янада юқори. Чунки ёш деҳқонлар ўтган вақт давомида ердан унумли фойдаланиш ҳадисини олади, муайян тажрибага эга бўлди.

Деҳқон ерининг тилини тушунса, ер ҳам ундан баракасини аямайди. Ерга берилган меҳрни эртанги куннинг умидига қисқаштирмайди. Ёшларга ана шу умид, мустақил меҳнат қилиш имконияти берилаётган. Бу билан оилалар фаровонлиги, ёл дастурхонини тўқислиги ҳам назарда тутилган. Қолаверса, инновацион ғоялар, замонавий агротехнологиялар муаллифлари интеллектуал салоҳияти билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиши мумкин. Етиштирган ҳосил эса озиқ-овқат хавфсизлигига хизмат қилади. Бўш турган ерлар ўзлаштирилади, инфратузилма ривожланади.

Тил билган эл билади

Халқимизнинг бу ўғити бугунги кунда янада кенгроқ аҳамият касб этапти. Аслида, барча даврда тил биллиш дунё эшикларини, халқаро имкониятларга йўл очган. Ўзбекистон бугун дунёга очиқ мамлакат ва бу жараён

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Жалолиддин МАШАРИПОВ, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, “Ўзбекистон ифтихори” унвони соҳибчи:

— Ўзбекистоннинг футбол бўйича илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани нафақат футболчилар, балки бутун халқимиз учун қувончли ва унутилмас воқеа бўлди. Чунки буни ҳаммамиз кутаётган эдик. Ниҳоят удалади. Ўзбекистон футбол тарихида янги саҳифа очилди.

Ортга назар ташлар эканман, бу натижага ўз-ўзидан эришилмаганига яна бир бор амин бўламан. Тинимсиз меҳнат, машғулотлар, яратилган шарт-шароит, эътибор муҳим ўрин тутди.

Ҳозир терма жамоада энг яхши авлод — энг иқтидорли йигитлар йиғилган. Бундан ташқари, кўп йигитларимизнинг чет эл жамоаларида ҳаракат қилаётгани ҳам катта ютуғимиз бўлди. Ана шу омилар туфайли Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида йўл олди.

Ўзбекистонлик ёш футболчилар учун энди Европа эшиклари очилади. Жаҳон чемпионатидаги иштирокимиз терма жамоа аъзоларининг ҳам бошқа клубларда тўп суриши, тажриба алмашишига туртки бўлади.

Ҳозирдан бошлаб ўзбекистонлик футбол мухлислари жаҳон чемпионатини кутиб яшамоқда. Барча учрашув финал даражасида ўтади. Биз жаҳон чемпионатида фақат гуруҳ



босқичида ўйнаш учун бормаймиз. Насиб қилса, терма жамоамиз билан гуруҳдан чиқиб, олға интиламиз. Жаҳон майдонларида Ўзбекистон терма жамоаси ютуқларини бутун дунё ҳис қилади.

Президентимиз билан кўришганим ва “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирланганим шукуҳи ҳали қалбимни тарқ этгани йўқ. Эришилган барча ютуқлар замирида биз, ёшларга билдирилган ишонч, яратилган шарт-шароит мужассам. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, келгусида бундан-да юқори натижа кўрсатиш, жаҳон футбол майдонларида юртимиз шаънини янада улугʻлашга ҳаракат қиламиз.



ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАНИНГ ЎРНИ БЎЛАКЧА



Моҳира БОЛТАЕВА, Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг халқаро олимпиада захиралари маркази ўқитувчиси:

— Ёшларга эътибор барча имтиёз ва имкониятларда ўз ифодасини топган. Биргина халқаро фан олимпиадаларини олайлик. Айни пайтда нуфузли халқаро фан олимпиадалари ғолиб ва совриндорлари, уларнинг устозлари муносиб рағбатлантирилиб келинмоқда.

Халқаро олимпиадаларга саралаш тизими муттасил такомиллаштирилмоқда. Шу боис, энг иқтидорли ўқувчилар танлаб олинапти. Яратилган қулайликлар болаларнинг интилишига қанот бағишляпти. Зеро, дунёнинг нуфузли олимпиадаларида тахсил олишни қайси ёш хоҳламайди, дейсиз.

Халқаро фан олимпиадасида ғолиб бўлиш оғир меҳнат талаб қилади. Чунки бундай беллашувда илм-фандаги энг долзарб, мураккаб мавзуларда амалий вазибалар берилади. Уларнинг ечимини учун ўқувчи кўп ўқиган, ўрганган бўлиши керак. Бу тиришқоқлик, қийинчиликлардан чўчи-масликка ўргатади.

Ота-оналарнинг қўллаб-қувватлови, ўқитувчиларнинг малакали ёндашуви, мамлакатимизда умуммиллий мақсадга айланган таълимни ривожлантириш борасидаги сазй-ҳаракатлар бугун ўз натижасини бера бошладди. Турли минтақавий ва халқаро фан олимпиадаларида юқори ўринларни қайд этиб, юртимиз шаънини кўтарётган иқтидорли ўғил-қизлар сони бугун тобора ортиб бормоқда. Йил бошидан буён 350 дан ортиқ ўқувчи халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, 32 олтин, 59 кумуш, 69 бронза медални қўлга киритгани фикримиз тасдиғидир.

Келажақда бу болалардан энг яхши мутахассислар етишиб чиқади. Мамлакат ҳаёти, иқтисодиёт, фан, таълим соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

НЕ УЧУН ЕЛКАМНИ ТУТИБ БЕРМАЙИН?



жадал давом этмоқда. Хорижий тилларда сўзлаша билиш ташқи дунё билан боғлайдиган кўприкдир. Шу боис, инсон учун она тили билан бирга хорижий тилларни билиш дунёга чиқишда жуда муҳим.

Ёшларнинг хорижий тилларни чуқур ўрганишга қизиқишини ошириш эътибор марказида. Бугун навқирон авлод вакиллари шахсий, таълимий, касбий ривожланишда тил билиш муҳимлигини тушуниб етган. Дунёнинг нуфузли университетларида таълим олиш, чет тиллардаги илмий манбалардан фойдаланиш, халқаро компанияларда ишлаш, туризм, IT, тадбиркорлик каби соҳаларда самарали фаолият юритишда айнан тил билиш катта афзаллик беради.

Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишини рағбатлантириш мақсадида халқаро сертификатни қўлга киритган 6,8 минг ёшга имтиҳон топириши билан боғлиқ 15 миллиард сўм харажати қоплаб берилди. Натижада биргина халқаро IELTS имтиҳонидан 5,5 балл олган йигит-қизлар сони 2020 йилдагидан 5 баравар, 7-8 балл олганлар 7,5 баравар, 8,5-9 балл олганлар 24 баравар ошди.

Хорижий тилни ўргатишга қаратилган яна бир ажойиб лойиҳа — “Ибрат фарзандлари” орқали 22 та хорижий тил, хорижликлар учун ўзбек тили, саводхонлик дарслари, имо-ишора тили, IELTS, TOEFL, IT-English курслари ўргатиб келинмоқда. Лойиҳа орқали Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб хорижлик меҳмонлар учун ўзбек тили ва грамматикасини ўргатиш йўлга қўйилган.

Хорижий тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш мақсадида “Ibрат Academy” мобил иловаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда фойдаланувчилар маъмурий тилларни ўрганиши, лугат ёдлаши ва тест ечиш орқали билимларини мустахкамлаб бориши мумкин. “Ibрат Academy” мобил иловасида эса 2,4 миллион киши тил ўрганмоқда. Улардан 304 минг нафардан ортиғи тил сертификатларини қўлга киритган.

Мобил иловага тил ўргатишнинг энг замонавий методикаси асосида сунъий индрук иштирокида яратилган Super Start, Elementary English, “Тезкор” каби рус тили курслари жойлаштирилган бўлиб, уларда тил билишнинг 6 кўникмаси — тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш, ўқиш, лугат ёдлаш ва грамматик қоидалар қизқарлик машқлар асосида осон, тез ҳамда самарали ўргатилади.

Хорижий тилларни ўргатиш истагидаги тадбиркорларга янги имтиёзлар берилгани нур устига нур бўлди. Хорижий тиллардан “C1” даражасига эга ёшлар ташаббус кўрсатиб, олис ва чекка ҳудудларда чет тилларга ихтисослашган ўқув марказларини очса, уларга 120 миллион сўмгача фойсиз ссуда берилади.

Президентимизнинг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ишсиз ва бизнесини бошлаш истагидаги ёшларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган Ёшлар бандлиги дастури қабул қилиниб, жорий йилнинг 1 июнига қадар 161,5 минг йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Бу борадаги ишлар ҳали давом этади.

Бўш вақт — бебаҳо вақт

“Беш ташаббус олимпиадаси”, “Ёш китобхон” кўрик-танлови ва бошқа йирик лойиҳалар нафақат ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, балки шахсий ривожланишида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бундай маданий-маърифий тадбирлар, танлов, мусобақа ва лойиҳаларга миллионлаб ёшлар қамраб олинмоқда.

Бундан ташқари, замонавий касблар ва китобхонликка оид “Мутулаа”, “Ustoz AI” ва “Кизлар академияси” каби лойиҳалар йигит-қизлар ҳаётига ўзгача мазмун бағишляпти.

“Китобсевар миллат” ғояси асосида ёшларда мутулаа маданиятини шакллантириш умуимиллий ҳаракатга айланди. “Мутулаа” лойиҳаси орқали 1 миллиондан ортиқ ёш китобхон қамраб олинди.

Учинчи Ренессанс ижодкорлари

“Келгусида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган янги Хоразмийлар, Бегунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийлар қаердан пайдо бўлади? Бу улкан вазифаларни ким бажаради?

Мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман. Албатта, бу эзгу ғояларни сизлар — бугунги янги Ўзбекистон ёшлари амалга оширасизлар”, деган эди давлатимиз раҳбари ёшлар билан шу йилнинг 14 февраль кунини бўлиб ўтган мулоқотида.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олийгоҳлар сони оширилиб, тизимда қамров 42 фоизга етди. Хотин-қизлар контракти давлат томонидан қоплаб берилмоқда.

Яқинда мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш борасида фаолият юритаётган “Эл-юрт умиди” жамғармаси Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси этиб, қайта ташкил этилди. Профессонал, чуқур билимга эга ватанпарвар, юртпарвар ёшларни тарбиялаш ва уларни хорижда ўқитиш имкониятлари кенгайтирилди.

“Президент иқтидорли фарзандлари” лойиҳаси ёш авлодга кучли ишонч ва стратегик қарашларни ифодаловчи, интеллектуал, ижодий имкониятларини рўбга чиқариш учун майдон вазифасини ўтамоқда.

Навқирон авлод вакилларининг ҳар жиҳатдан етук бўлиб камол топиши учун неки имконият бор, ишга солинаётир. Мақсад битта — жаҳон ҳамжамиятига ўзгаришлар, ижтимоий тенденцияларга лаббай дея жавоб берувчи, ватанпарвар, билимли ёшларни камолга етказиш. Уларни юртининг асл фарзандлари қилиб тарбиялаш.

Навқирон авлод вакилларининг ҳар бир кунини олтин сзда қуйланадиган байрам. Улар қалбини байрамлар шуқуҳи тарқ этмасин.

БЕШИНЧИ ТАШАББУС САМАРАСИ



Ирода БЕРДИЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти таянч докторанти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Бугун Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган, ҳар бир ёшнинг салоҳиятини рўбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилган бир даврда яшаётганимга чин дилдан шукр қиламан. Айниқса, ёшларга билдирилаётган юксак ишонч, амалий эътибор ва кўмак ўз самарасини бермоқда. Ўзим ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб келаётган, замонавий Ўзбекистоннинг янги авлод вакилларидан бириман.

Илм-фан, сиёсат, ижтимоий ҳаёт ва тадбиркорлик — булар ҳаётимда муҳим ўрин эгаллаган йўналишлар. Ҳозир “Санъат ва маданият йўналиши талабаларида медиаса-

нуқтаси бўлди дея айта оламан. Сабаби, олти йил тўлов-шартнома асосида таҳсил олдим. “Трант асосида ўқиш менга ҳам nasib қилармикан?” деган орзум бор эди. Бугун фахр билан айта оламаники, Президентимизнинг ёшлар салоҳиятига берган баҳоси, билдирган юксак ишончи ва эътирофи натижасида имтиҳонсиз, грант асосида докторантурада таҳсил оляпман.

Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббуснинг бешинчиси — хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасидаги сай-ҳаракатлар менга ҳам катта умид бағишляди. Тикувчиликка қизиққанам ва бу борадаги маҳоратимни оширишни хоҳлаганим туфайли тикув цехимни очилишни орзу қилардим. Яхши ният, ҳаракат мева берад экан. Президентимиз топириғига биноан менга Олмазор туманида тикувчилик цехи очиб берилди. Бугун бу маскан нафрат менинг орзуларим рўёби, балки кўплаб аёлларнинг бандлиги, ёш қизларнинг касбга эга бўлиши учун ҳаёт мактабига айланган. Бу жой ҳар бир аёл-қиз учун фойдали ва манфаатли бўлмоқда деб ҳеч иккиланмай айта оламан.

Фақат илмий ва тадбиркорлик фаолияти билан чекланиб қолмадим. Бу борада 2024 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловларда ўз номзодимни илгари сурдим. Халқ ишончи билан Сергели туман кенгаши депутатлигига сайландим. Бу мен учун нафақат ютуқ, балки катта масъулият ҳамдир. Ҳозир ҳар бир муаммони ичдан кўриб, таҳлил қилиб, ечим топишга ҳаракат қиламан. Айниқса, ёшларнинг бандлиги, ижтимоий ҳимояси ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш устувор йўналишларимдан биридир.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси сифатида фаолият юритаётган. Бу иш менга қонун ижодкорлигининг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниш, давлат сиёсатининг туб илдишларини



водхонлиқни ривожлантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий изланишим орқали ахборот асрида ёшларнинг танқидий фикрлашини шакллантириш, уларни дезинформациядан ҳимоя қилиш йўлида педагогик асослар ишлаб чиқиш устида меҳнат қилишди.

Тўғри, бу ютуқларга етилиш осон бўлмаган. Ҳаётда кўп синовлар, қийинчиликлар учради. Аммо инсон ўзига ишонса, иродали бўлса, ҳар қандай тўсиқдан ўта олади. Мен шундайлар сафиданам — ҳаракат қилган ёш кам бўлмайди.

Давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар менга жуда кўп эшикларни очди. Турли халқаро ва республика танловларида галиб бўлдим, телевидениеда бошловчи сифатида фаолият юритдим. Президентимиз билан учрашувларда иқтидорли ёшлар сафида иштирок этдим. Таклиф ва ғояларим ижобий баҳоланиб, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг таянч докторантурасига ўқишга қабул қилиндим. Бу ҳаётимнинг бурилиш

англаш, келажакда кучли раҳбар аёл бўлиш йўлида тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда. Ниятим — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиш, қонун ва қарорлар яратилишида фаол иштирок этиш, халқимизга муносиб хизмат қилишдир.

Ҳали олдинда қиладиган иши кўп бўлган, орзуларини аниқ белгиллаган, фидойилик ва билим билан ҳаракат қилаётган ёшлар сафида Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун ҳисса қўшишга бел боғлаганман.

ЮТУҚЛАРИМДАН ОТА-ОНАМ ХУРСАНД



Парвиз ТЎҚСОHOBОВ,
“PS 1600 ACADEMY” ўқув маркази раҳбари:

— Президентимиз ёшларга халқимизнинг олтин фонди, келажакимиз бунёдкорлари дея таърифлар берган. Чиндан ҳам ёшлар — катта куч. Бугун уларга қаратилаётган

эътибор эртага юз чандон, минг чандон бўлиб қайтиши аниқ. Шу жиҳатдан мамлакатимизда ёшларга оид сиёсат узоқни ва аниқ мақсадларни қўзғлагани билан аҳамиятли. Зотан, бундай ишларнинг қўламини кенг. Самараси катта.

Давлатимиз раҳбарининг ишончи, яратилаётган имкониятлар бизга куч беради. Ғайратли, шижоатли, қатъиятчи ёшларни кўриб, айнан бугун Учинчи Уйғониш даврининг мустахкам пойдевори қўйилаётганига амин бўламиз.

Мисол учун, ўзим дунёнинг энг нуфузли университетларида ўқишга имкон берувчи SAT халқаро имтиҳонига энг юқори — 1600 балли қўлга киритдим. Албатта, бундай муваффақиятга эришиш осон бўлмади. Инглиз тилини билиш даражам ва умумий танқидий фикрлаш қобилиятим юқори баҳоланди. Шу лаҳзада ота-онам хурсанд бўлганини айтмай-сизми?! Бир фарзанд, бир ўғил сифатида ўзим ҳам катта фахр ҳиссини туйдим. Ёшларнинг таълим олиши ва салоҳиятини юзага чиқариши учун шароит яратиб берилаётган жамиятда яшаётганимдан мамнун бўлдим.

Рисолат ХАЙТҚУЛОВА
ёзиб олди.

ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ЛОЙИҲАСИ

Саъдулло ҚУРОНОВ,
болалар ёзувчиси,
“Мутулаа” лойиҳаси муҳаррири:

— Ўзбекистон — ёшлар мамлакатидир, дея бежиз айтилмайди. Сабаби, ёшлар аҳолининг катта қисмини ташкил қилади. Шу боис, юртимизда ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида таълим олиши, бўш вақти мазмунли ташкил этилиши, ривожланиши, ўз устида ишлаши, комил инсон бўлиб етишишига кун тартибидеги масалалардан бири сифатида қаралади. Айниқса, таълим соҳасида жиддий қадамлар қўйилаётгани Президент ва ижод мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда навқирон авлод вакиллари эришаётган катта-катта ютуқлар мисолида кўриш мумкин.




Бундан ташқари, халқаро таълим рейтингларида юртимиз олий таълим муассасаларининг кучли 1000 талик, 500 таликка кирувчи университетлар қаторидан жой олиши режалаштирилган. Бу олий таълимнинг жаҳон стандартларига бўйлашаётгани, хорижий методлар қўлланишига сабаб бўляпти.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳам кўплаб лойиҳалар амалга ошириляпти. Шулардан бири “Мутулаа” лойиҳасидир. Ўзбекистонда мутулаа муҳитини яхшилаш, китоб ўқиш ва унинг тарғиботини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда янги босқичга олиб чиқиш ҳамда кенг тарғиб қилиш мақсадини кўзда тутувчи бу лойиҳа ўзбек ва жаҳон адабиёти энг сара намуналарининг электрон ва аудио вариантини бир жойда жамлаб, бепул ўқиш ва тинглаш имкониятини бермоқда.

Ҳозирга қадар мобил иловамиз 2 миллион мартадан ортиқ юклаб олинди. Бу ҳам ёшларнинг бадиий адабиётдан баҳрамандлиги, маънавий юксалишига хизмат қилмоқда.

Ёшларнинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар жиҳатдан етук бўлиб камол топишга қўмаклашувчи лойиҳаларга яна кўплаб мисол келтириш мумкин. Муҳими, ҳар бир йигит-қизнинг турмуш тарзи эътибор марказида. Бу эса эл-юрт қорига камарбаста ёшларнинг камол топишига хизмат қилаётир.



Бугун тонгда бир кўшиқ эшитдим. Кун бўйи бу кўшиқнинг ноласи қулогимдан кетмади. Унинг сўзларини такрорлаб, девона бўлиб юрдим.

Кўйида йиг'лар эдим, мен зор ҳар беморга, Эмди йиг'ларлар бари беморлар мен — зорға.

Инсон ўз юрагига чўккан гуссанинг, уқубатнинг, зору андўхнинг ифодасига минг йиллар чора қидириб, охири мусиқани, сўнг мусика оҳангига ғазлни топдимикан? Торлардан, бамисоли жон риштасига улашиб кетган торлардан тўкилган мунг мени хаёл қанотида ярим минг йил олисликка элтди. Хиротнинг табаррук манзилларига, улуг устоз қадами теккан кўчаларга, боғларга олиб учди, Навоий қўлида бўзлаб сайраган уд садосини эшитдим. “Кўйида йиг'лар эдим...”. Ошиқ ўз севгилиси кўчасида ҳар беморга, яъни ишқ дардига гирифтор бўлганларга ўз ҳасратини айтиб зор йиг'лар эди. Бу ҳасрат шунчалик қайғули, шунчалик жон ўртар эканки, аҳли дард — беморлар ўз дардларини унутиб, ошиқи зорға қараб йиг'лай бошладилар.

Чуқур ғамгин ҳиссиёт ифодаси баробарида бу байт ажиб санъат намунаси сифатида кишини ҳайратга солади. Ҳолатга мос байт ичида сўзларнинг, сўз қўшимчаларининг маъно товланишлари фақат Навоийга хос баркамол санъаткорлик билан намोён этилади. “Зор” сўзи бир ўринда сифат (мен зор), бошқа ўринда ҳаракат белгиси (зор йиг'ламоқ)дир.

“Бемор” сўзи бошда “ишқ аҳли”, “дард аҳли”, кейинда “хаста”, “заиф”, “касал” маъноларига яқин келади. Ҳатто “ға” қўшимчаси икки ўринда икки хил маъно — товланишга эга.

Байтни ҳаёлимда такрорлайман:

Кўйида йиг'лар эдим, мен зор ҳар беморга, Эмди йиг'ларлар бари беморлар мен — зорға.

Такрорлаганим сари бамисоли олмосда нур жилолангандек янги-янги қирраларни кашф қиламан.

Ғазал давом этади:

Ҳажр бепоеън йўли қатъ айламак душвор эрур, Затифин мекки юрармен қўл тааб деворға.

Агар мен заифликдан деворға қўл таяб, қўл билан суяниб юрсам, ажабланманг. Ахир мен ҳадду поёни йўқ ҳижрон йўлини ўтдим. Бу иш осон эмас. Шундай фикр байтда айтилган. Унда айтилмаган, лекин юқоридаги байтнинг мантқиқий давоми сифатида келиб чиқадиған



шундай: агар жунуним дафъи учун тумор қилсалар, қон чиқарсалар, телба кўнлим қушининг қонию юзимнинг заъфарони басдур.

Ишқ пайдову нихон ўлтурди, лекин йўқтурур Заҳра бу ҳолимини ҳам ихфого, ҳам изҳорға.

Яъни: ишқ мени ҳам ошкор ўлдирди, ҳам пинҳон. Лекин менда бу ҳолимини яширомоққа ҳам, изҳор этмоққа ҳам журъат йўқ. Ишқ шундай бедаво дардки, уни яширомоққа чора, ошкор этмоққа илож йўқ. Заҳра сафро, ўт маъносини ҳам, шахдамлик, мардлик туйғусини, яъни юрак ўтини ҳам англайди. Бу ўринда заҳра журъат маъносидан келган.

Зулфида мен фонию тасбиҳ ила мағрур шайх, Субҳа торин бас не янглиғ ўхшатай зуннорға.

Зуннор номусулмонлик белгиси бўлган боғич. Ўтган замонларда мусулмон мамлакатларида ғайридинлар белига боғлаб юрадиган човж бўлиб, улар буни тақишга ва шунинг эвазидан бовқ тўлашга мажбур бўлганлар. Субҳа — тасбех.

Байтнинг мазмуни бундай: мен-ку ёр зулфининг — сочларининг ишқиди фоний бўлдим, йўқолдим, завол

“

ЗАИФ ОДАМНИНГ ДЕВОРГА ТАЯНИБ ЮРИШИ ЖУДА ҲАЁТИЙ МАНЗАРА. “ҲАЖР БЕПОЁН ЙЎЛИ” КАБИ ТЕРАН ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАДАН КЕЙИН БУНДАЙ ОДДИЙ ХАЛҚОНА СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЙИЛИШИ ЎША ЗАМОННИНГ ЮКСАК ШЕЪРИЯТИ УЧУН ҒАЙРИТАБИЙ ТУЮЛГАН БЎЛСА АЖАБ ЭМАС. ЛЕКИН БУ ШЕЪРИЙ ЖУМЛАНИНГ ҲАЁТИЙЛИГИ ВА ҲАҚҚОНИЙЛИГИГА, ЭНГ МУҲИМИ, ҒЎЗАЛЛИГИГА ЎШАНДА ҲАМ, КЕЙИН ҲАМ БАРЧА ТАН БЕРГАН.

фикр ботинда ётибди: мен-ку дардимни ҳар беморга йиг'лар эдим. Энди беморлар менга йиг'лайдиган бўдилар, чунки мен бепоеън ҳажр йўлини ўтиб заифландим, ўзим бемор бўлдим.

“Ҳажр бепоеън йўли”. Йўқ, бу оддий ҳижрон эмас, се-викли ёрдан жузаликка эмас. Бу жуда буюк, илоҳий даражада буюк ниятнинг ҳижрони. Шунинг учун ҳам унинг йўли бепоеън, инсоният тарихи даражасида бепоеън, борлиқ олам, юлдузли осмон қадар бепоеън.

Навоий шеърятининг қудрати, беқиёслиги яна шундаки, шоир бу янглиғ юксак, осмоний туйғулар ифодаси учун гоҳи оддий, заманий кундалик турмуш лавҳаларидан фойдаланади.

Заиф одамнинг деворга таяниб юриши жуда ҳаётий манзара. “Ҳажр бепоеън йўли” каби теран фалсафий тушунчадан кейин бундай оддий халқона сўзларнинг қўйилиши ўша замоннинг юксак шеърятини учун ғайритабиий туюлган бўлса ажаб эмас. Лекин бу шеърӣ жумланинг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлигига, энг муҳими, ғўзаллигига ўшанда ҳам, кейин ҳам барча тан берган.

Телба кўнглимнинг қушидин қону юздин заъфарон Қилсалар дафъи жунуним басдурру тумморға.

Навоий байтларини англаш учун у яшаган замон турмушини ҳам яхши билмоқ керак. Баъзан улуг шоир байтлари бизга ўша узок замоннинг урф-одатларини ўрганишга ёрдам беради. Маълумки, қадимда дафъи жунун учун, яъни телбаликни қайтариш учун беморга тумор бил-тилган. Бу туморга заъфарон тутиб, сувда эзиб ичирил-ган. Заъфароннинг бу хил дардга даво бўлиши қадимги табобатдан аён. Дафъи савдо учун қон чиқариш одати ҳам маълум. Туморға ёзиладиган дуо сўзининг сиёҳи ҳам қора рангда — савдоининг қони рангида. Байт маъноси

топдим. Қавс ичида айтамыз: диндан айрилдим, ному-сулмонлик йўлига кирдим. Аммо бу зуннорни, яъни соч толасини ҳеч нарсасига олишмайман. Шайх ўз тасбеҳи билан мағрур, мен ўз зуннорим билан. Бу зуннорни тасбеҳ ториға сира ўхшатолмайман.

Йўқ ажаб ўлсам доғи кавсар сўйи бўлғай насиб, Назъ вақти солсам ўзни қулаб хамморға.

Жон чиқар вақти жон талвасаси билан майфуруш қул-басига ўзни урсаму унда кўз юмсам, жаннатга кирмоғим, кавсар сувига етмоғим ажаб эмас, чунки борлик дунёнинг неъматини жаннат фароғатининг ўзи демак.

Бу мисралар Навоийнинг фалсафий дунёқарашини, зоҳидлик, тарки дунёчиликни инкор этувчи ғоясини ифо-да этади.

Ғазал шундай байт билан якунланади.

Зор ўлуб мискин Навоий нечақим чекди фигон, Қилмади ул ой тараҳхум бу фигону зорға.

Ғазал билан шоир ўз дардини айтиб фигон қилди, лекин бу фигон бир гадонинг — мискиннинг қўкка нола қилганидек бўлди. Осмондаги ой гадога қўлқол солмаганидек, ой монанд ёр ҳам мискин Навоийга қўлоқ солмади. Яна ботин маънога қўлоқ тутамиз: мискин Навоийга замон тараҳхум этади, ноласини эшитмади.

Мана беш юз йил ўтиб, бу нола бизга етиб келди. Сўнгсиз гусса, танҳолик дарди, изтироб тўла нола.

Бугун тонгда мен шу кўшиқни эшитдим, тонгдан бери унинг сўзларини ичимда такрорлаб, девона бўлиб юрибман.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

G'ALABA BOG'I

Миллат Фидойилари

БОЙСУН БОТИРИ

(2001 йил Сурхондарё вилояти Сариосиё туманининг тоғли ҳудудларига ўрнашиб олган террорчилар тўдасини аниқлаш ва қўлга олиш пайтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган оддий аскар Машраб Жўраев хотирасига бағишланади)

Бойсун, Бойсун, Бойсунжон — алтомишлар диёри, Юртни асрамоқ ҳар он азиз халқим шиори. Бойсунжоннинг бағрида қишлоқ бор номи — Чорбоғ, Унда Машраб исми бир ўғлон ўсди қувноқ.

Мақтабни битирибоқ хизматга отланди у, Юрт посбони бўлдим деб баяоят шодланди у. Ногаҳон юрт тинчига рахна солиб ёвузлар. Янраб ўқлар овози, тинганда чанқовузлар.

Сариосиё тоғида писиб олганча ёвлар, Аскарлар томон тинмай ўқлар отганда ёвлар. Синчковлик билан тоғ-тош багрин кузатиб ўғлон Пистирмадаги тўрт-беш ёвга дуч келди шу он.

Рақиядан дўстларга бераркан тезкор хабар Автоматдан унга ўқ эди малъун душманлар. Мағрур қўксини ўқлар тешиб ўтаркан ёҳу Ёв томон граната отишга улгурди у.

Қучли портлаш зарбидан ёв бўлди парча-парча, Аммо ўғлон ўзи ҳам ҳалок бўлди мардларча. Бу ҳол Хуррам бобонинг багрин тигдек тиглади. Шўрлик Ҳиммат момомиз “Во болам!”лаб йиғлади...



Босқинчи ёвузларнинг Аллоҳ берди жазосин, Юлдузларга айланди бевақт шаҳид кетганлар. Эл ўз кўзи-ла кўрди гуноҳкорлар сазосин, Мангу яшар элим деб юртим дебон ўтганлар.

Бойсунда бир мактаб бор шон-шухрати таралган, Мард Машрабжон Жўраев номи билан аталган. Бойсун, Бойсун, Бойсунжон, багринг тинч бўлсин доим, Тинч-омон кунларингга кўз тегмасин илоҳим!

Зикрилла НЕЪМАТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

КЕЛАЖАККА МАЁҚ ЯНГЛИҒ...

Бойсуннинг Инкобод маҳалласида Хуррам бобо Жўраев деган пиру бадавлат отахон яшайди. Кўпчилик уни “қаҳрамоннинг отаси” деб чақиради. Мўйсафилдан хол-ахвол сўраб, оила аъзоларига эҳтиром кўрсатиб келадиганлар сони кўпайса кўпаяди, камаймайди.



Келганлар, аввало, ватаннинг содиқ, ботир ўғ-лони Машраб Жўраевни хотирлайди. Тоғли Бой-сундаги мактабларда жасорат дарслари ташкил этилганида Машраб Жўраевнинг ота-онаси ҳам иштирок этиб, ўқувчиларга панд-насиҳат қила-ди. “Юртимиз доим тинч бўлсин”, дея дуога қўл оцади.

Бугун Бойсуннинг пурвиқор тоғларидек юк-салиб яшаётган Хуррам бобо билан Ҳимматхон момо тўрт ўғил, икки қизни ватанга садоқат, элга муҳаббат, кексаларга ҳурмат руҳида улғай-тирди. Машрабнинг қалбида ҳам юртга муҳаб-бат, ватан ҳимоячиси бўлиш орзуси ёшқиди уй-ғонган эди. Дарвоқе, Машрабжон Жўраев 1978 йил баҳориди Сурхондарё вилояти Бойсун ту-манида дунёга келган. Тумандаги 22-мактабда ўқиган. Ўқувчилик йиллариданоқ спорт билан шуғулланган.

— Машрабжонга жисмоний тарбия фанидан сабоқ берганман. Спортни жуда яхши кўрарди. Дарсларга доим тайёр, тўй-томошаларда эса

кураш тушиб, чинакамига эл орини оларди. Чиройли услубда кураш тушарди. Мусобақа ва тўйларда шундай олишардики, орадан шунча йил ўтган бўлса ҳам унинг давралардаги хат-ти-ҳаракати ҳеч кўз олдимиздан кетмайди, — дейди фахрий ўқитувчи Ўрол Маматқулов.

Машраб Жўраев 1993 йил мактабни аъло баҳоларга битириб, касб-хунар техника билим юртига ўқишга қиради. 1996 йили билим юрти-ни тракторчи-машинист мутахассислиги бўйича тамомлайди. Шундан сўнг Тошкент шаҳрида-ги ҳарбий қисмлардан бирида муддатли ҳарбий хизматни шараф билан ўтади. Сўнг яна фусункор Бойсунга қайтди.

Ёшқиди қизиқиши — ҳарбий бўлиш иштиёқи сўнмаган Машраб шартнома асоси-да хизматни давом эттириш учун вилоятдаги

ҳарбий қисмлардан бирига ҳужжат топшира-ди. У 1998-2000 йилларда шартнома асосида Қуроли Кучлар сафида ҳарбий хизматчи си-фатида ишлайди.

— Машрабжон болалигидан шўхлиги би-лан ажралиб турарди. Жуда қувноқ эди. Дас-турхон атрофида доим қизиқарли ҳангомалар-ни айтиб, ҳаммамизни қулдириб ўтирарди. Барчага бирдек меҳрибон эди. Армиядан қайтганидан кейин тандирда нон ёпаётганим-ни билдирмай суратга олибди. Ҳали ҳам ана шу суратни асраб-авайлаб келялман. Оғир бўлса-да, шундай жасур, мард ва эл-юрт учун жонини фидо этган фарзанд тарбиялаганим-дан барибир фахрланаман, — дейди Ҳиммат момо Жўраева.

2001 йилда Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларидаги муҳдиш воқеалар бошланганда Машраб Жўраев ҳам сафдошлари қатори ватан ҳимоясига жалб этилади. Шартнома асосида хиз-мат қилаётган оддий аскар Машраб Жўраев бў-лимиси разведка-қидирув ҳаракатларини олиб бораётган пайтда пистирмага дуч келади. Маш-рабжон бу ҳақда сафдошларига хабар бераётган-ида яраланади. Шунда ҳам пистирмага граната улоқтириб, душманларни йўқ қилади. 23 ёшни қаршилаган Машрабжон Жўраев олган жароҳати туфайли ҳалок бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, Машраб Жўраев миллий хавф-сизликни таъминлашдаги жасорати, фидойилик намунасини кўрсатгани учун вафотидан сўнг “Жасорат” медали билан мукофотланган. Сур-хондарё вилояти Бойсун туманидаги 12-мактабда Машраб Жўраевнинг бюсти ўрнатилган.

Қаҳрамоннинг бюсти ҳар кун мактабга илм олишга борган ёш авлодга келажакка маёқ ян-глиғ кўринаверади. Ватан учун улуг ишлар қилиш кераклигига ундайверади.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.